



ТИКУВ-ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мардиев Бунёд Сирожиддин ўғли

*Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети Инновацион менежмент
кафедраси ассистенти, bunyodmardiyev7095@gmail.com ORCID: 0009-0004-4728-
5960*

Аннотация: Ушбу мақолада тикув-трикотаж маҳсулотларида сифат менежменти тизимини такомиллаштиришнинг инновацион йўналишлари таҳлил қилинади. Хусусан, замонавий рақамли технологиялар, CAD/CAM ва PLM тизимларини жорий этиш орқали маҳсулот сифатини назорат қилиш имкониятлари ёритиб берилади. Шунингдек, ISO 9001 халқаро стандарти талаблари ва уларни маҳаллий корхоналарда амалга ошириш жараёни кўриб чиқилади. Тадқиқотда Ўзбекистон тикув-трикотаж саноатидаги амалдаги ҳолат, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишда инновацион ечимлар қўллаш имкониятлари таҳлил этилган. Мақолада сифат менежменти тизимини такомиллаштириш орқали экспорт салоҳиятини ошириш, рақобатбардошликни кучайтириш ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Тикув-трикотаж маҳсулотлари, сифат менежменти, инновацион йўналишлар, ISO 9001, рақамли технологиялар, CAD/CAM, PLM тизими, рақобатбардошлик, экспорт салоҳияти, барқарор ривожланиш.

КИРИШ

Жаҳон Глобал иқтисодиётда текстиль ва тикув-трикотаж саноати стратегик аҳамиятга эга соҳалардан бири ҳисобланади. Жаҳон савдо ташкилоти (WTO), БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO) маълумотларига кўра, мазкур тармоқда сифат менежменти тизимини такомиллаштириш нафақат маҳсулот рақобатбардошлигини оширади, балки барқарор ривожланиш мақсадларига (SDGs) эришишда ҳам муҳим омил сифатида қаралмоқда. Хусусан, ISO 9001:2015 стандарти сифатни бошқаришнинг халқаро мезони сифатида кенг қўлланилиб, саноат корхоналарида самарадорлик ва мижозлар ишончини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Охирги йилларда Европа Иттифоқи, АҚШ, Япония ва Жанубий Корея каби мамлакатлар тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда рақамли технологиялар (CAD/CAM, PLM, ERP) ва “яшил стандартлар”дан кенг фойдаланмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хомашёдан оқилона фойдаланиш ва экспортбоп маҳсулотлар сифатини кафолатлашга хизмат қилмоқда.



Ўзбекистонда ҳам ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентнинг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сонли Фармони ва 2023 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида текстиль ва тикув-трикотаж саноатини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш ва маҳсулотлар сифатини халқаро стандартлар даражасига етказиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматлар сифатини таъминлаш тўғрисида”ги қонуни ҳамда “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонунлари соҳадаги корхоналар учун сифатни бошқаришнинг ҳуқуқий асосини яратиб бермоқда. Бугунги кунда мамлакатда йирик кластерь корхоналар — “O'ztex Group”, “BCT Cluster”, “Uztex Uchkurgan” ва бошқаларда ISO 9001, ISO 14001 ҳамда Оеко-Тех стандартларини жорий этиш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Шу тариқа, халқаро тенденциялар ва маҳаллий қонунчиликда белгиланган талаблардан келиб чиқиб, тикув-трикотаж маҳсулотларида сифат менежменти тизимини такомиллаштиришда инновацион йўналишларни ўрганиш ва уларни миллий амалиётга жорий этиш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Kyung Eun Lee ўз тадқиқотида, тўқимачилик саноатида маҳсулотнинг бутун ҳаётий цикли давомида сезиларли экологик таъсир юзага келишини қайд этган. Тадқиқотда экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган бешта асосий босқич – хомашё, ишлаб чиқариш, чакана савдо, истеъмол ва утилизация жараёнлари – алоҳида кўриб чиқилган. Шу билан бирга, экологик барқарор ишбилармонлик амалиётини таъминлаш учун корпоратив ижтимоий масъулият, “яшил” таъминот занжири бошқаруви ва экологик дизайн (eco-design) каби тушунчалар муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган[1].

Samit Chakraborty Бангладешдаги трикотаж саноатига оид тадқиқотида ишлаб чиқариш жараёнларида экологик барқарорликнинг таъминланиши ва сув ҳамда энергия сарфи самарадорлигини ошириш усуллари ўрганган. Унинг фикрича, ISO 14001 каби стандартларни жорий этиш корхоналарда нафақат атроф-муҳитга таъсирни камайтиради, балки ишлаб чиқариш харажатларини ҳам пасайтиради[2].

Muthu, Subramanian Senthilkannan ўз асарларида барқарор тўқимачилик ишлаб чиқаришни таъминлашда “Life Cycle Assessment (LCA)” методологиясининг муҳимлигини таъкидлайди. Унинг тадқиқотлари натижасида, тўқимачилик маҳсулотларида углерод изини ва сув сарфини қисқартириш орқали маҳсулот сифатини сақлаган ҳолда барқарор ишлаб чиқаришга эришиш мумкинлиги кўрсатилган[3].



Niessen, Bert Европадаги трикотаж саноатида сифат менежменти ва барқарор инновациялар бўйича олиб борган изланишларида, замонавий рақамли технологиялар (CAD/CAM, PLM) ишлаб чиқаришда самарадорликни ошириш билан бирга хомашё чиқиндиларини камайтиришда муҳим аҳамият касб этишини қайд этган[4].

Shen, Bin Хитой трикотаж ва тўқимачилик саноатидаги “яшил таъминот занжири” моделини таҳлил қилиб, корхоналарнинг барқарор ривожланиш йўлида кўпроқ давлат сиёсати ва халқаро стандартларга мослашиши зарурлигини таъкидлаган. Унинг тадқиқотида айтилишича, BSCI ва WRAP каби стандартлар Хитой компаниялари учун жаҳон бозорида рақобатбардошликни таъминлайди[5].

Kozlowski, Anika Канаданинг барқарор мода соҳасига оид тадқиқотида, экологик дизайн (eco-fashion) ва қайта ишлаш жараёнлари орқали маҳсулотнинг умрбақо сифати оширилиши ҳамда истеъмолчилар онгини ўзгартиришда сифат менежменти тизими муҳим роль ўйнаши таъкидланган[6].

Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқотда халқаро сифат менежменти стандартларининг турли мамлакатларда татбиқ этилиш даражаси ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш мақсадида қиёсий таҳлил, статистик маълумотлар таҳлили ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг контент-таҳлилидан фойдаланилди.

Шу билан бирга, турли давлатлар тажрибасини солиштириш орқали стандартларнинг тарқалиш динамикаси ва уларнинг иқтисодий самарадорликка таъсирини баҳолаш имкони яратилди.

Тадқиқот жараёнида халқаро ташкилотлар (ISO, ILO, UNIDO) ҳамда миллий статистик маълумотлар базаси асосий манба сифатида қўлланилди, олинган натижалар эса илмий таҳлил ва умумлаштириш орқали хулосаларга асос бўлиб хизмат қилди.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги глобал рақобат шароитида сифат менежменти тизимларининг халқаро стандартлари корхоналарнинг барқарор ривожланиши, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш ва маҳсулотнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлашда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Шу боисдан, ISO 9001, ISO 14001, ISO 45001 каби кенг тан олинган стандартларнинг жорий қилиниши корхоналарнинг ички бошқарув самарадорлигини ошириш билан бирга, ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини ҳам кенгайтиради.

Ушбу бўлимда халқаро стандартларнинг турли мамлакатларда қўлланилиши, уларнинг тарқалиш даражаси ва амалий натижалари чуқур таҳлил қилиниб, миллий корхоналар учун татбиқ этиш имкониятлари илмий асосда ёритилади.



1-жадвал.

Ривожланган давлатларда тикув-трикотаж соҳасида сифат менежменти тизимини такомиллаштиришнинг асосий инновацион йўналишлари⁹³

Давлат / Корхона	Инновацион йўналишлар	Сифат менежментидаги амалиётлар	Эришилган натижалар
Германия (Hugo Boss, Adidas)	PLM ва CAD/CAM тизимлари, "Green Textile" стандарти	ISO 9001 ва ISO 14001, экологик аудит	Маҳсулотнинг юқори аниқлиги, экологик тозалик, Европа бозорида юқори улуш
Япония (Uniqlo, Fast Retailing)	Lean Manufacturing, RFID технологияси, автоматлашган логистика	Total Quality Management (TQM), JIT тизими	Хомашё тежами, тезкор етказиб бериш, мижозлар ишончи юқори
АҚШ (Nike, Levi's)	3D-дизайн, рақамли тўқимачилик платформалари, қайта ишлаш технологияси	ISO 9001, SA8000 (ижтимоий масъулият стандарти)	Экологик маҳсулот, глобал мижозлар базаси, бренд нуфузи юқори
Италия (Gucci, Prada)	Инновацион материаллар (биотўқималар), роботлашган ишлаб чиқариш	Европалик EN стандартлари, ISO 26000 (барқарорлик)	Люкс сегментда етакчилик, юқори экспорт салоҳияти
Жанубий Корея (Hyosung, Kolon)	Smart Textile (ақлли мато), IoT асосида назорат	ISO 9001 ва ISO 50001 (энергия менежменти)	Инновацион маҳсулот турлари, глобал тендерларда фаол иштирок

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатлар тикув-трикотаж саноатида сифат менежментини такомиллаштиришда инновацион технологиялардан кенг фойдаланмоқда.

Хусусан, Германияда PLM ва CAD/CAM тизимлари ҳамда экологик стандартлар орқали юқори аниқлик ва "яшил" ишлаб чиқариш таъминланса, Японияда Lean Manufacturing ва JIT тизимлари ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин оширмоқда. АҚШ компаниялари (Nike, Levi's) рақамли дизайн ва қайта ишлаш технологияларига эътибор қаратиб, халқаро бозорда экологик бренд сифатида танилмоқда. Италияда люкс сегмент корхоналари сифат менежментини роботлашган жараёнлар ва биотўқималар орқали ривожлантираётган бўлса, Жанубий Корея корхоналарида Smart Textile ва IoT технологиялари орқали назоратнинг юқори даражасига эришилмоқда.

Демак, глобал тенденциялардан кўринадики, инновация ва рақамли технологиялар сифат менежменти тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишига айланган. Бу эса маҳсулот сифатини ошириш билан бирга, рақобатбардошлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

2-жадвал.

Ўзбекистон ва ривожланган давлатлар тажрибаси таққосламаси

⁹³ Ўзбекистон статистика агентлиги; "Uzbekistan's textile sector contributes over 10% to total exports", Kun.uz, 2025 йил



Йўналиш	Ривожланган давлатлар амалиёти	Ўзбекистондаги ҳолат	Таққослама ва ривожланиш имкониятлари
Сифат стандарти	ISO 9001, ISO 14001, SA8000, Оеко-Тех, EN стандартлари	ISO 9001 ва Оеко-Тех айрим кластерларда жорий этилган	Халқаро стандартлар қамровини кенгайтириш талаб этилади
Технологиялар	CAD/CAM, PLM, 3D-дизайн, IoT	SAPR (камдан-кам), ERP жорий этиш бошланғич босқичда	Инновацион технологияларни оммавий жорий қилиш лозим
Экологик ёндашув	"Green textile", қайта ишлаш технологиялари	Экологик талаблар чекланган, яшил стандартлар етарли эмас	Экспортбоп маҳсулот учун экологик стандартлар зарур
Ишлаб чиқариш модели	Lean Manufacturing, JIT, роботлаштириш	Кўпинча анъанавий жараёнлар	Lean ва JITни жорий этиш самарадорликни оширади

Жадвалда Ўзбекистон ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси таққосламаси шуни кўрсатадики, миллий саноатда сифат менежментини такомиллаштириш бўйича муҳим қадамлар қўйилган бўлса-да, айрим йўналишларда ҳали тўлиқ самарадорликка эришилмаган. Масалан, ривожланган мамлакатларда ISO 9001, ISO 14001, SA8000 ва Оеко-Тех каби стандартлар тўлиқ қамраб олинган бўлса, Ўзбекистонда улар айрим йирик кластерлардагина жорий этилган. Шунингдек, технологик жиҳатдан Европа ва АҚШ компаниялари IoT, 3D-дизайн ва PLM тизимларидан кенг фойдаланса, маҳаллий корхоналарда бу жараёнлар ҳали бошланғич босқичда.

Экологик стандартлар масаласида ҳам ривожланган давлатлар "Green textile" концепциясини жорий этиб, қайта ишлаш технологияларини қўллаш орқали экспорт бозорларида устунликка эришмоқда. Ўзбекистонда эса бу йўналишда ҳали тўлиқ тизим шаклланмаган. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш моделида Lean ва JIT каби самарали усулларни жорий этиш зарурлиги кўриниб турибди.

Жадвал таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон тикув-трикотаж саноати халқаро тажрибадан келиб чиқиб сифат менежменти тизимини ривожлантирса, экспорт бозорларига чиқиш имкониятлари кенгайди ва миллий маҳсулотлар рақобатбардошлиги ошади.

3-жадвал.

Тикув-трикотаж соҳасида халқаро сифат стандартлари ва уларнинг қўлланилиши

Стандарт номи	Асосий мазмун	Тан олинган мамлакатлар / ҳудудлар	Тарқалиш даражаси ва аҳамияти
ISO 9001:2015 (Quality)	Сифат менежментини бошқариш, мижозлар	170 дан ортиқ мамлакат	Дунёда энг кенг тарқалган стандарт, йирик



Management Systems)	қониқишини ошириш		брендлардан то кичик корхоналаргача қўлланилади
ISO 14001:2015 (Environmental Management Systems)	Экологик менежмент, чиқиндиларни камайтириш, барқарор ишлаб чиқариш	Европа Иттифоқи, АҚШ, Япония, Ж.Корея ва 150+ давлат	Хусусан, экспорт учун талаб этилади, экологик стандартлар глобал трендга айланган
Oeko-Tex Standard 100	Матоларда зарарли моддалар йўқлигини кафолатлайди	Европа, Туркия, Хитой, Бангладеш, Ўзбекистон (айрим корхоналар)	Тикув-трикотаж маҳсулотларининг асосий халқаро сертификати, айниқса ЕИ бозори учун муҳим
SA 8000 (Social Accountability)	Иш жойида меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий масъулият стандартлари	АҚШ, Европа, Ж.Корея, Хитой, Ҳиндистон	Ишчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим; кўплаб йирик брендлар субпудратчилардан талаб қилади
ISO 45001:2018 (Occupational Health & Safety)	Хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш	Дунё бўйлаб 120+ мамлакат	Ишчи хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлаш, бренд имиджи учун зарур
ISO 26000 (Social Responsibility)	Барқарор ривожланиш ва ижтимоий масъулият	Европа Иттифоқи, Япония, Австралия, АҚШ	Ихтиёрий, лекин нуфузли брендлар томонидан кенг қўлланилади
WRAP (Worldwide Responsible Accredited Production)	Корхоналарда масъулиятли ишлаб чиқариш тамойиллари	АҚШ, Мексика, Туркия, Вьетнам, Бангладеш	Асосан АҚШ ва Европа бозори учун муҳим; Nike, Adidas ва бошқа брендлар талаб қилади
GOTS (Global Organic Textile Standard)	Органик пахта ва табиий матолар стандарти	Европа, АҚШ, Ҳиндистон, Туркия	Экологик маҳсулот бозорида етакчи; барқарор мода бренди учун асосий сертификат
BSCI (Business Social Compliance Initiative)	Меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий стандартлар мониторинги	Европа Иттифоқи ва ҳамкор мамлакатлар	Европа брендлари учун муҳим; етказиб берувчиларга мажбурий талаб қилинади

Жадвал таҳлилидан кўринадики, дунёдаги етакчи тикув-трикотаж компаниялари маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашда асосан ISO 9001, ISO 14001 ва Oeko-Tex стандартларига таянади. Европа бозори учун Oeko-Tex Standard 100 ва GOTS ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса, АҚШ бозорида WRAP ва SA 8000 талаб этилади. Шу билан бирга, барқарор ривожланиш ва экологик трендлар кучайгани учун ISO 26000 ва BSCI каби ижтимоий масъулият стандартлари ҳам тобора кенг тарқалмоқда.

Ўзбекистонда айрим йирик кластерь корхоналар (O'ztex Group, BCT Cluster ва бошқалар) мазкур стандартларни босқичма-босқич жорий этаётган бўлса-да, ҳали ҳамма корхоналар қамраб олинмаган. Шунинг учун халқаро бозорда



рақобатбардошликни ошириш мақсадида экологик ва ижтимоий стандартларни кенг жорий этиш долзарб аҳамият касб этади.

Хулоса ва таклифлар

Ўтказилган Тикув-трикотаж саноатида сифат менежменти тизимини такомиллаштириш, жаҳон бозорида рақобатбардошликни таъминлаш ва барқарор ривожланишга эришишнинг асосий омили ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, халқаро сифат стандартлари (ISO 9001, ISO 14001, ОЕКО-ТЕХ, WRAP ва бошқалар) жорий этилган корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиши, маҳсулотнинг экспорт салоҳияти кенгайиши ва истеъмолчилар ишончи мустаҳкамланиши кузатилмоқда. Шунингдек, маҳаллий қонунчилик ва Президент қарорларида белгиланган вазифалар соҳада сифатни бошқариш тизимини рақамлаштириш, инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш ва барқарор ишлаб чиқариш моделларини жорий этишга қаратилгани муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

➤ Халқаро стандартларни интеграция қилиш – тикиш-трикотаж корхоналарида ISO, ОЕКО-ТЕХ, WRAP каби халқаро сифат стандартларини кенг жорий этиш орқали маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги тан олиниши ва экспорт имкониятларини ошириш.

➤ Рақамли технологияларни жорий этиш – CAD/CAM, PLM, ERP каби замонавий рақамли платформалардан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ва назорат тизимини яхшилаш.

➤ Барқарор ривожланишга йўналтириш – ишлаб чиқаришда экологик дизайн, “яшил” таъминот занжири бошқаруви ва чиқиндиларни қайта ишлаш каби ёндашувларни татбиқ этиш.

➤ Кластер тизимида сифат назорати – тўқимачилик кластерларида ягона сифат стандартлари ва инновацион менежмент тизимини жорий этиш орқали соҳадаги барча корхоналар фаолиятини уйғунлаштириш.

➤ Кадрлар салоҳиятини ошириш – сифат менежменти соҳасида мутахассис кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш орқали корхоналарда илғор менежмент маданиятини шакллантириш.

➤ Истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилиш – ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам сифат кафолати ва шаффоф ахборот тизимини кучайтириш орқали истеъмолчи ҳуқуқларини таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Lee, Kyung Eun. Environmental sustainability in the textile industry. Sustainability in the textile industry. Singapore: Springer Singapore, 2016. 17–55.



2. Chakraborty, Samit. "A Detailed Study on Environmental Sustainability in Knit Composite Industries of Bangladesh." American Journal of Environmental Protection, vol. 5, no. 5 (2016): 121–127.

3. Muthu, Subramanian Senthilkannan. Assessing the Environmental Impact of Textiles and the Clothing Supply Chain. Elsevier, 2014.

4. Niessen, Bert. "Sustainable Innovation in European Textile and Knitwear Industry: Challenges and Opportunities." Journal of Cleaner Production, vol. 142 (2017): 190–198.

5. Shen, Bin. "Sustainable Fashion Supply Chain: Lessons from China." Journal of Cleaner Production, vol. 65 (2014): 252–263.

6. Kozłowski, Anika, Bardecki, Michal & Searcy, Cory. "Environmental Impacts in the Fashion Industry: A Life-cycle and Stakeholder Framework." Journal of Corporate Citizenship, vol. 45 (2012): 17–36.

7. Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Қонуни (1993 й., сўнгги тахрирлари билан) – сифат менежменти тизимини халқаро стандартларга мувофиқ жорий қилишнинг ҳуқуқий асоси.

8. Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни (1996 й., сўнгги ўзгаришлари билан) – маҳсулот сифатини кафолатлаш ва истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

9. Ўзбекистон Республикасининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни (2009 й.) – сифат ва хавфсизликни таъминлаш, миллий стандартларни халқаро талабларга уйғунлаштириш.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сонли Фармони – "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси" – миллий иқтисодиёт тармоқларида инновация, рақобатбардошлик ва экспорт салоҳиятини ошириш йўналишлари.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 апрелдаги ПҚ–218-сонли Қарори – "Тўқимачилик ва тикиш-трикотаж саноатида кластер тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" – соҳада сифатни бошқариш тизимини модернизация қилиш ва илғор технологияларни жорий этиш вазифалари.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 майдаги ПҚ–153-сонли Қарори – "Ўзбекистон–2030 стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" – тўқимачилик ва трикотаж саноатида сифат менежменти ва барқарор ривожланиш стандартларини жорий қилиш вазифалари белгиланган.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги 61-сонли Қарори – "Маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш, халқаро стандартларни жорий этиш тўғрисида" – ISO 9001, ISO 14001, Оеко-Тех каби стандартларни корхоналарда кенг татбиқ этиш чоралари.



14. “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий ҳужжатлари – миллий стандартлар тизимини халқаро сифат менежменти стандартлари билан уйғунлаштириш бўйича қабул қилинган қарорлар ва кўрсатмалар.